

YANGI SIRDARYO

Jamiyat – islohotlar
tashabbuskori



Gazeta 1963-yil 1-iyundan “Sirdaryo haqiqati” nomi bilan chiqa boshlagan

@yangisirdaryogazetasi Yangi Sirdaryo Gazetasi

• Ijtimoiy-siyosiy, ommaviy gazeta 5-son (11699) 10-FEVRAL, 2025-YIL DUSHANBA

sirdaryo24.uz Yangi Sirdaryo 24 @yangisirdaryogazetasi

• Бугуннинг нафаси

Вилоят раҳбарининг ҳудудларга ташрифи

Айни кунларда вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи Эркинжон Турдимов туман ва шаҳарларда бўлиб, ҳудудларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш борасида амалга оширилаётган ишлар билан танишмоқда.



Ўрганишларнинг навбатдаги манзили Янгиер шаҳри бўлди. Дастлаб вилоят раҳбари “Шукрона” маҳалласида жойлашган 3-сонли мактабгача таълим ташкилотига бўлди. Ўзаро мулоқотлар давомида тарбия масканида болажонлар учун етарлича шарт-шароитлар яратилмаганлиги маълум бўлди.

Э.Турдимов шаҳардаги Темур Малик номли маҳалланинг “Маҳалла еттилиги” фаолияти билан, сўнгра Сирдарё эркин саноат зонасида эса «Есо Wood Plus» корхонасидаги иш жараёни билан ҳам танишди.

Шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва “Мурувват интернат уйи”даги айрим ҳолатлар вилоят раҳбарининг ҳақли эътирозларига сабаб бўлди. Қатор мутассадиларнинг ўз лавозимида лойиқлиги масаласи кўриб чиқилиши белгиланди. Барча ижтимоий соҳа объектларига ташриф давомида аниқланган муаммолар ечимига масъуллар бириктирилди. Аниқ муддати билан кўрсатмалар берилди.

(Давоми 2-бетда)

• Шу куннинг мавзуси

Миллий либос кийишга одатланайлик

—Дўстим, шошил тезроқ. Жиззахга борамиз.

—Нега? Тинчликми?

—Бир чойхонада 4 килограммлик сомани 30 дақиқада еган одамга 300 АҚШ доллари мукофот тариқасида бериляпти экан. Ҳам сомани еймиз, ҳам мукофотни қўлга киритамиз.

—Дўстим, яхши-си, йигитларни йиғиб, Тошкентга борсак, бўлмайди?

—Нега? Тошкентда 4-5 киши бир кило (барча масаллиқлари бир килограмдан) ошни 1 соатда еса, 500 АҚШ доллари мукофот қилиб берилар экан. Бир кишидан кўра, жамоа бўлганимиз яхши эмасми?

(Давоми 4-бетда)



ҲАЗРАТИ НАВОИЙГА ЭҲТИРОМ

Тадбирлар Гулистон шаҳридаги Алишер Навоий ҳайкали пойига гул қўйиш маросими билан бошланди. Дастлаб вилоят ҳокими номидан гулдасталар қўйилди. Сўнгра республика Ёзувчилар ва Журналистлар уюшмалари, республика Маънавият-маърифат маркази вилоят бўлими, “Янги Сирдарё”, “Новая Сырдарья” газеталари таҳририяти жамоалари, республика Ёшлар ишлари агентлиги вилоят кенгаши, ГулДУ, Гулистон педагогика институти профессор-ўқитувчилари, талаба ёшлар ҳамда жамоатчилик вакиллари ҳайкал пойига гўзал гуллардан қўйиб, буюк сиймога таъзим бажо келтирдилар.

Тадбир вилоят мусикали драма театрида давом этди. Тантанани очган республика Маънавият-маърифат маркази вилоят бўлими раҳбари Мурод Ҳайитов жаҳон адабиёти

(Давоми 2-бетда)



Журналистларнинг,
блогерларнинг ва кенг жамоатчиликнинг асосли танқиди учун пул бериб, манфаатдор этамиз.

Эркинжон ТУРДИМОВ

• Ислоҳот одимлари



Текстиль-корхонаси қайта иш бошлади

бошлаб ижара асосида “Дениз Текс” МЧЖ номида туркиялик инвесторлар томонидан қайта очилди.

Лойиҳа қиймати 12 миллиард сўмни ташкил қилган ушбу корхонада асосан икки ипли трикотаждан эркаклар ва аёллар кийимлари ишлаб чиқарилмоқда. Тўқув дастгоҳлари ва бошқа керакли бичиш, тикиш технологиялари Туркия ва Хитой давлатларидан келтирилиб, ҳозирда маҳаллий аҳолидан 330 нафар хотин-қиз иш билан таъминланган. Келгусида қўшимча дастгоҳлар ўрнатилиб, иш ўрни 600 тага кўпайтирилиши режалаштирилган.

Корхонанинг маҳсулот

ишлаб чиқариш қуввати йилига 5 миллион донани ташкил этади. Тўқишдан тортиб тикиш, бичиш, қадоқлаш ишларини аёлларга ўргатиш учун махсус мутахассислар жалб қилинган. Ҳозирда тайёр бўлган маҳсулотлар Европа давлатларига экспорт қилинмоқда.

—Муқим иш жойим йўқлиги сабабли доимо уйда ўтирар эдим, — дейди корхона тикувчиси Хадича Жўраева. — Янги корхона очилганидан сўнг бандлигим таъминланди. Биз — аёллар учун яратилган бу имкониятлардан нафақат мен, балки барчамиз миннатдоримиз.

(Давоми 6-бетда)

Ҳазрати Навоийга Эҳтиром

(Бошланиши 1-бетда.)

равнакига улкан ҳисса қўшган улуғ аллома, сўз мулкининг султони Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди, унинг бебаҳо адабий мероси, инсонпарварлик ғоялари билан йўғрилган асарларини ўқиш, ўрганиш, тарғиб этиш борасида юртимизда олиб борилган кенг кўламли ишлар ҳақида тўхталди.

Шундан сўнг вилоят маданият бошқармаси ва вилоят театри жамоаси томонидан тайёрланган Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди асосидаги “Назм ва наво” кечаси намойиш этилди. Саҳнада театр санъаткорлари томонидан Алишер Навоий ҳамда ул зотнинг дўсти — салтанат эгаси Хусайн Бойқаро ва бошқа тарихий шахсларнинг сиймолари гавдаланди.

Вилоят мақом ансамбли жамоаси ижросидаги Навоий ғазаллари асосида айтиладиган мумтоз ашулалар, уларга мос дилбар

рақслар ҳамда буюк шоир асарлари асосида тайёрланган саҳна кўринишлари барчага манзур бўлди.

“Назм ва наво” кечасида иштирок этганлар Навоий ижоди мисли бир уммон эканлиги, бу уммонга қанчалик чуқур шўнгиш, яъни буюк шоирнинг бой адабий меросини ўрганиш, дилбар ғазаллари-ю ҳар сатри ҳикматдан иборат бўлган рубоийларини ўқиш ва ўқиш дуру инжу териш билан баробар эканлигини яна бир карра юракдан ҳис этдилар.

Шу кун театр фойеси ҳам Алишер Навоий яшаб ўтган давр руҳига мос-у хос безатилгани билан байрам иштирокчиларида катта таассурот уйғотди. Ҳар кадамда ҳазратнинг “Ҳамса” ва бошқа асарларидаги қаҳрамонлар, гўзал чаманни эслатувчи “адабиёт, шеърят боғлари, улардаги шоирлар иштирокида ўтган файзли гурунглари ҳамда дилбар мушоиралар”-га гувоҳ бўлдик.

Холида ПАРДАБОЕВА

Суратларда: Алишер Навоийга бағишлаб ўтказилган тантаналардан лавҳалар.

Тасвирчи: Истам ЗАХИРОВ.

Вилоят раҳбарининг ҳудудларга ташрифи

(Бошланиши 1-бетда.)

Оқолтин туманига ташрифи давомида Эркинжон Турдимов дастлаб аҳолига кўрсатилаётган тиббий хизматнинг сифати билан яқиндан танишиш мақсадида туман тиббиёт бирлашмасида бўлди. Беморлар билан суҳбатлашиш жараёнида бепул дори воситаларининг берилмаётганлиги аниқланди. Айниқса, тиббий суғурта тизимидан аҳоли тўлиқ фойдаланилмаётгани, тизим ишламаётгани кескин танқид остига олинди.

Шунингдек, фармацевтика воситалари хариди учун ажратилган маблағларнинг ноўрин сарфланиши билан бирга шифокорлар томонидан ёзилган рецептларда дори турларини кўпайтириш эвазига ишлаб чиқа-

рувчи ва хусусий дорихоналар эгаларидан манфаат кўрилаётган ҳолатлар ҳам йўқ эмаслиги айтиб ўтилди.

Эркинжон Турдимовнинг аҳоли яшаб шaroитлари ҳамда ҳудудларда амалга оширилаётган ислохотларнинг бориши билан танишувининг навбатдаги манзили Ширин шаҳри бўлди. Дастлаб шаҳарнинг “Ватанпарвар” маҳалласида жойлашган ҳарбий қисмларда хизматчилар учун яратилган шароитлар билан танишди. Шунингдек, ҳудудда жойлашган Сирдарё иссиқлик электр станциясига ҳам ташриф буюриб, маҳаллийлаштириш дастури доирасида амалга оширилаётган ишларни кўриб чикди.

Қорхона раҳбарияти томонидан 2024 йилда маҳаллийлаштириш дастури режаси 223 фоизга бажарилиб, 2,6 миллиард сўмдан ортик маҳсулотлар

ишлаб чиқарилганлиги билдирилди. Ҳозирда тизим қорхоналари учун яна 16 та маҳсулот тури бўйича 2,4 миллиард сўмлик маҳаллийлаштириш йўналишидаги ишлар олиб борилаётганлиги маълум қилинди. Эҳтиёт қисмларнинг сифат даражаси ҳамда иш самарадорлигини ошириш борасида қатор маслаҳатлар берилди.

Бундан ташқари вилоят ҳокими ўтган ҳафтада ёшлар билан учрашув ўтказиб, улар томонидан илгари суриладиган ҳар қандай ташаббус ва чорловлар эътибордан четда қолмаслигини таъкидлаб ўтди.

Вилоят раҳбарининг мавжуд камчиликларни бартараф этиш юзасидан ҳудудларни ўрганиши давом этмоқда.

Ўз мухбиримиз

Суратда: Э.Турдимов шифохонада мулоқот пайтида

• Ҳисобот-сайлов конференциялари

Бу ўқув даргоҳида бугунги кунда меҳнат муҳофазаси ва техника хавфсизлиги, касаба уюшма аъзоларининг меҳнатга оид ҳуқуқ ва манфаатларини таъминлаш, уларга ҳар жиҳатдан ғамхўрлик қилиш 258 нафар аъзоларни бирлаштирган бошланғич касаба уюшмаси зиммасида. Ҳисобот даврида касаба уюшмаси қўмитасига келиб тушган 120 та ёзма ариза ўз вақтида кўриб чиқилиб, ижобий ҳал этилди. 10 нафар ходим санаторийларга юборилди. Профессор-ўқитувчи, ишчи-ҳодимларнинг 28 нафар фарзандлари “Зомин” болалар оромгоҳида соғломлаштирилди. Ҳар йили талабалар учун “Жума оқшоми” ва “Хонатлас” фестиваллари ва бошқа тадбирлар кўтаринки руҳда ўтказилади. Ходимлар ва талабалар ўртасида спорт турлари бўйича директор кубоги учун турли спорт мусобақалари ташкил этиш анъанага айланган. Тарихий шаҳарлар, зиёратгоҳ масканларга уюштирилаётган саёҳатлардан ҳамма мамнун.

Касаба уюшмаси қўмитаси раиси Шаҳноза Назарова ўз ҳисоботида ана шуларга батафсил тўхталди. Музокараларда сўзга чиққанлар касаба уюшмаси фаолиятига қониқарли баҳо беришди.

Кейинги масала кизгин баҳс ва мунозараларга бой бўлди. Касаба уюшмаси қўмита раислигига икки кишининг номзоди кўрсатилиб, сайлов очик овоз бериш йўли билан ўтказилди ва жуда кўпчилик овоз билан Шаҳноза Назарова қайта сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси вилоят Кенгашининг ҳисобот-сайлов конференциясига делегат сайланди.

Баҳор ХОЛБЕКОВА

Суратда: тадбирдан лавҳа



Касабақўм раиси сайланди

Касаба уюшмалари ҳаётида муҳим сиёсий жараёнлар бошланди. Жойларда тармоқлар касаба уюшмалари тасарруфидаги муассаса ва ташкилотларда ҳисобот-сайлов конференциялари ҳамда жамоа шартномаси муҳокамалари бўлиб ўтмоқда. Ўзбекистон транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси тизимидаги Тошкент кимё-технологиялар институти Янгйер филиали маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2023–2025 йилларга мўлжалланган жамоа шартномасининг 2024 йилда бажарилиши ҳамда ҳисобот-сайлов йиғилиши бўлиб ўтди. Ташкилотнинг меҳнат жамоаси ваколат мuddати тугаб бораётган касаба уюшма қўмитасининг ҳисоботини эшитиб, баҳолаб, бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси ва аъзоларини сайладилар.

Мамлакат равнаки юксак малакали кадрларга боғлиқ. Тошкент кимё-технологиялар институти Янгйер филиали талаб юқори бўлган касблар, йўналишлар ва мутахассисликлар бўйича кадрлар тайёрлашга ўзининг муносиб ҳиссасини қўшаётир.

Статистика

КўРСАТКИЧЛАР КўНГИЛДАГИДЕК

Вилоятимизда 2024 йилнинг январь-декабрь ойларида қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларининг умумий ҳажми 15 926,3 миллиард сўмни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва ушбу соҳаларда кўрсатилган хизматлар 15 036,1 миллиард сўмни, ўрмон хўжалигида 671,9 миллиард сўмни, балиқчилик хўжалигида 218,3 миллиард сўмни ташкил этди.

Ҳудудлар кесимида қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги маҳсулот(хизмат)ларининг энг юқори ҳажми Сайхунобод туманида 2 254,4 миллиард сўмга, Боёвут – 2 210,6 миллиард сўмга етди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 14 517,0 миллиард сўм ёки 2023 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 101,4 фоиз, шу жумладан, деҳқончилик маҳсулотлари 7 843,0 миллиард сўмдан (улуши 54,0 фоиз), чорвачилик маҳсулотлари 6 674,0 миллиард сўмдан (улуши 46,0 фоиз) иборат бўлди.

Мухриддин ЭГАМБЕРДИЕВ,

вилоят статистика бошқармаси қишлоқ хўжалиги ва экология статистикаси бўлими бошлиғи

Мулоҳаза



Улуғ аждодларимизга эътибор шуми?

— Узр, бир савол берсам, майлими?

Агар вақтингизни олмаётган бўлсам...

— Майли, бажонидил.

— 14 февраль қандай кун?

— Албатта, “Севишганлар кун”.

Бу кунни унутиб бўладими?

— Нега айнан “Севишганлар кун”?

Ахир бу кунда улуғ бобомиз Заҳириддин Мухаммад Бобур таваллуд топган эмасми? - деб савол бердим.

— У инсоннинг менга нима қизиғи бор? Бизга нима учун керак? - дейди Мустафо исмли йигит. Унинг жавоби ҳақиқатда эшитган одамни ранжитади. “Наҳотки шундай миллатдошларимиз бор-а?” деган ҳаёлга ботамиз.

Саволимга ёшлардан “Бугун ҳазрат Бобурнинг туғилган кун” деган жавобни олиш ниятим кучли эди. Ёш авлод вакилларида бирортаси бу кунни билмаса, бу жуда ҳам ачинарли. Умид қилиб, яна бир йигитни суҳбатга чорладим.

— Ассалому алайкум, узр, 14 февраль қандай кун, деб ҳисоблайсиз?

— О-о-о, бу кунни унутиб бўладими, ахир? Бугун “Севишганлар кун”-ку. Шунинг билмайисми? Бундай кунда севишганлар бир-бирларини совғалар, чиройли гуллар билан сийлайдилар-ку, - дея жавоб берди ўзини Жаҳонгир деб танитган йигит.

“Севишганлар кун” асосан ғарб мамлакатларида нишонланади. Афсуски, ғарбга тақдир туфайлими, бу байрам бизни ҳам четлаб ўтгани йўқ. Шу ўринда савол туғилади: Нима учун биз бундай кунни байрамона нишонлашимиз керак? Умуман олганда, бизнинг урф-одатларимизга, маданиятимизга ҳамда кадриятларимизга тўғри келадими ўзи? Нима учун бир кунни айнан алоҳида “Севишганлар кун” — деб биз ҳам нишонлашда давом этишимиз керак?

Эътибор берадиган бўлсак, шу кунни гўзал қизларимиз, алпқомат йигитларимизнинг қўлларида гул-у, совғалар кўтариб юришларини кўрсангиз, шоир бобомизни бир бор хотирлашдан кўра, ғарб маданияти таъсирига тушиб қолганликларига амин бўласиз.

Юқоридаги сўровларга кўра, ёшларнинг бирортаси “14 февраль — шоҳ ва шоир бўлган бобокалонимиз—ўзининг кучли сиёсати билан дунё тарихида ўчмас ном қолдирган Заҳириддин Мухаммад Бобурнинг таваллуд кун” деганини эшитмадик. Ваҳоланки, ушбу кунда Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон ҳам таваллуд топган.

Шуни ёдда тутишимиз лозимки, миллий кадриятларимиз билан мос келадиган анъаналаримизни унутмаслигимиз лозим. Ёшларга ўз тарихий меросимиз ҳақида маълумот бериш орқали уларнинг онгини шакллантириш муҳимдир. 14 февраль эса, юқорида таъкидланганидек, биз учун “Севишганлар кун” эмас...

Адолат АХМАДЖАНОВА

14 февраль — Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон таваллуд топган кун

Устоздан олган ибратларим

Бугун Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон ҳаёт бўлганларида 91 ёшда бўлар эди. Устоз жуда ибратли, гўзал умр кечирди. Мана, 20 йилдирки, устоз орамизда йўқ. Шоирлар ўлмайдилар, дейишганидек, улар халқ қалбида, хотирасида яшайлар. Тўра Сулаймоннинг 20 дан зиёд китоблари чоп этилган бўлиб, илк шеърлар тўплами — “Истар кўнгил” 1962 йили чоп этилган эди. Турли йилларда “Мен қайга борар бўлсам”, “Жаҳонгашта”, “Ҳамқишлоқларим”, “Интизор”, “Сирдарё қўшиқлари”, Илтижо” “Ал-хазар”, “Тўйбоши”, “Сизни эслайман” “Қорақўзгинам”, “Гулшан”, “Сарвиноз”, “Харсанг”, “Жаҳоннома”, “Гул бир ён, чаман бир ён”, “Ёвқочди”, “Сайхон” каби асарлари шулар жумласидандир. Шунингдек, “Мамлакатнинг таянч нуқтаси” номли публицистик мақолалар тўплами ҳам бор. Тўра Сулаймон хилма-хил жанрларда қалам тебратди. Шоирнинг соф лирик шеърлари, қасида ва фахриялари, манзумаларидан ташқари, халқ йўлида битилган, воқеликни бахшилар назари билан кўриб, ўхшатма ёки назира шаклида ёзилган асарлари ҳам ўзига хос халқчиллиги билан ажралиб туради. Айниқса, “Эргаш Жуманбулбул эл кезади” туркумидаги бахшиёна шеър ва достонлари ўзбекнинг миллий ғурури акс этган асарлар сирасига киради.

Бугунги кунда Тўра ҳақида сўз кетганда у кишининг улғу шоирлиги, халқона йўналишда ижод қилиши, бошқача қилиб айтганда, халқдан олиб, халққа бериши, миллий кадриятларимизни эъзозлаши каби таърифлар билан бирга, шоирнинг фазилатлари, жумладан, ниҳоятда камтар, оддий ва самимий эканлиги хусусида гапирилади. Биз — шоирдлари ёшлигимизда бунга кўп марта гувоҳ бўлганмиз. Шоирлар нозиктаб бўлишади, дейишади, лекин Тўра акада бу борада ўзига хослик бор эди. Устоз давра-

ларнинг тўрини, айниқса, минбарда ўтиришни, ўзи ҳақида ортикча ҳамду сано, мактовлар айтилишини унчалик хушламасди.

Бунга мисол. Ёдимизда бундан анча йиллар аввал вилоят мусикали драма театрида шоирнинг таваллуд куни ва янги китоби тақдиротиға бағишланган катта тадбир бўлаётган эди. Саҳнага бир нечта ором-курсилар (креслолар) қўйилган бўлиб, уларда тантанани бошқарувчи ҳамда унинг сабабчиси ўтиришлари керак эди. Тадбир бошлангандан сўнг бироз ўтгач, Тўра ака бошловчига нимадир деб, секингина зални тарк этди. Орадан анча вақт ўтди, лекин шоирдан дарак йўқ. Шу билан тантана тугашига яқин у киши жойига келиб, ўтирди. Кейин билсак, шунча ўтган фурсат чоғида Тўра ака фойеда бир неча кадрдонлари билан дилдан суҳбат қуриб ўтирган экан.

Шоирнинг камтарлигига яна бир мисол. Тўра Сулаймоннинг 60 йиллиги у туғилган макон — Жиззах вилоятининг Бахмал тумани марказида (туман ҳокимлигининг фаоллар залида) ўтказилиши режалаштирилган бўлиб, сирдарёлик бир гуруҳ ижодкорлар автобусда Бахмалга отландик. Юбиляр энгил автомашинада кетиши керак эди. Йўлга чиқишдан олдин Тўра ака автобусга чиқиб, хурмат юзасидан аёлларни энгил автомобилда кетишга таклиф этиб, ўзи автобусдаги ўриндиқлардан бирига жойлашди. Биз бир амаллаб уни энгил машинага кетишга кўндирдик. Бахмалдаги тадбирда ҳам Тўра ака сахнадан пастга тушиб, ҳамқишлоқлари, дўстлари ёнида ўтиришни лозим топди. Тадбирнинг давоми тоғлар



бағридаги гўзал Алдашмон қишлоғида ўтган эди. Ўшанда шоирнинг яқинлари, дўсту биродарлари ва қудалари меҳмонларни чинакам бахмалчасига сийлашди. Тўра ака эса одатдагидай яна давранинг тўрида эмас, биз билан ёнма ён ўтирди.

Тўра Сулаймон билан вилоят газетаси таҳририятида бирга ишлаган кезларимизда янги ижод намуналарини бировга кўз-кўз қилишни ёки шеърлари дарров газетада саҳифасида чоп этилишини истамасди. Янги шеърини эринмасдан қўлда қайта-қайта кўчирар, қачонки пишиқ-пухталигига ишонсагина (у киши ёзув машинкасида ёзмасди) битикларини таҳририятга олиб келиб, нусха кўчирувчи Раиса опага “шунинг кўчириб беринг”, дея илтимос қиларди. Кўчирилган нусхалар шоирнинг назаридан яна бир неча бор ўтар ва таҳрир этиларди. Ана шундан кейингина шеърлар газета саҳифасида эълон қилинарди. Баъзида сиёғи қурмаган шеърларнинг илк ўқувчиси камина бўлганлигим билан ҳозир фахрланиб юраман. Ким билсин, шоирнинг китобларидан жой олган энг сара битикларидан қанчаси “Сирдарё ҳақиқати” (ҳозирги “Янги Сирдарё”) газетаси саҳифаларида дунё юзини кўрган экан?

Айни пайтда шоирнинг иккинчи умри давом этапти. Унинг асарлари неча бор қайта нашр этилди, уларни китоб дўконларидан топиш амри маҳол, кутубхоналарда эса улар қўлма-қўл. Ўтган йилнинг охирида Мирзаобод туманида очилган Тўра Сулаймон уй-музейи шоир номини абадийлаштириш борасида амалга оширилган хайрли ишларнинг энг юқори нуқтаси бўлди, десак, тўғри бўлади. Музейнинг очилиш маросимида пойтахтдан таникли ижодкорлар ташриф буюришди.

Шу кунларда, айниқса, ушбу қадамжо адабиёт, шеърят мухлислари билан гавжум.

Холида ПАРДАБОЕВА

• Йўл қондаси—умр фойдаси



Транспорт воситасини бошқариш маданияти

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги йўл ҳаракати хавфсизлиги бошқармаси Матбуот хизмати-нинг расмий маълумотларига кўра, 2024 йилда республикамиз ҳудудидаги йўлларда жами 9364 автоҳалокат содир бўлган, уларда 2203 одам нобуд бўлган, 8901 одамга тан жароҳатлари етказилган. Шу жумладан, 351 йўл-транспорт ҳодисаси ҳайдовчиларнинг транспорт воситасини бошқаруви жараёнида ухлаб қолишлари туфайли содир бўлган. Натижада 189 нафар одам нобуд бўлган, 285 киши тан жароҳати олган. Жами йўл-транспорт ҳодисаларининг 1592 тасида “Damas” автомобиллари, 558 тасида юк автомобиллари, 137 тасида автобуслар, 29 тасида микроавтобуслар иштирок этган.

2025 йил 16 январь кунини ҳайдовчи А.А. спиртли ичимликдан маст ҳолатида бўлишига қарамастан, “NEXIA” русумли автомобилни Мирзаобод тумани ҳудудидаги йўлда бошқариб бораётиб, ҳаракатни назорат қила олмаганлиги боис автомобиль йўлдан ташқарига чиқиб кетган. Натижада автомобиль салоида бўлган йўловчи тан жароҳати олган, транспорт воситаси техник жиҳатдан носоз ҳолга келиб, моддий зарар кўрилган.

Ўз-ўзидан савол туғилади: автоҳалокатларнинг содир бўлиши қай даражада табиий ва қанчалик тасодифий характерга эга? Шунчалик катта йўқотишлар тасодифми ёки уларнинг олдини олиш мумкинми? Автоҳалокатларнинг

юз бериш сабаблари нима? Уларнинг илдизлари қаерда?

Автомобиль ҳаракатдаги объект ҳисобланиб, йўл-транспорт ҳодисаси ҳайдовчи-автомобиль-йўл тизимидаги номувофиқлик натижаси ҳисобланади. Автоҳалокатлар содир бўлишининг бир қатор сабаблари аниқланган. Жумладан, транспорт воситасининг номукамал техник хусусиятлари ва носоз техник ҳолати, йўл шароитлари ва йўл жиҳозларининг хавфсизлик талабларига мос келмаслиги, бошқа транспорт воситалари ёки пидедаларнинг “Йўл ҳаракати воқеалари”га зид ҳаракатлари ва

хоказо. Уларнинг ичида энг асосий ҳисобланган инсон омили билан боғлиқ ҳодисалар жами автоҳалокатларнинг 60,0 фоизидан ортигини ташкил этади.

Ҳайдовчининг маданиятида транспорт воситасини бошқариш маданияти марказий ўринни эгаллайди. Бинобарин, ҳайдовчи нафақат транспортни бошқариб бориш ваколатига эга бўлган ҳуқуқли шахс, балки жамият учун керакли мутахассис ҳисобланади, у обрў-эътиборли инсон, юксак фазилатлар соҳиби бўлгандагина атрофдагиларнинг ҳурматига сазовор бўлади. Шундан келиб чиқиб, ҳайдовчининг маданияти унинг касбий маҳорати билан ахлокий сифатларнинг ўзаро уйғунлашуви деб баҳоланади.

Йўлларда транспорт воситалари оқимининг қулайлиги бизни янада эҳтиёткорроқ, ҳушёрроқ бўлишимизни талаб қилади. Автомобиль ҳайдовчиларини тайёрлаш сифатини яхшилаш, иш фаолияти давомида ҳайдовчиларнинг малакасини ошириб бориш, уларни назорат қилиш тизимини такомиллаштириш ҳозирги давр талабидир. Ҳозирги замоннинг шиддати тез, шитоби баланд. “Йўл ҳаракати воқеалари”га амал қилинг, ҳеч кимга зиён-заҳмат етказманг.

Одил НЎЪМОНОВ,

Х.Сулаймонова номидаги республика суд экспертизаси марказининг Сирдарё вилояти бўлими етакчи эксперти

Сайёр қабулда

Аҳолининг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиб...

“Ҳуқуқий маҳалла” лойиҳаси доирасида Сирдарё тумани “Оқибат” маҳалласида жойлашган 12-сонли мусика мактабида вазир котибияти бошлиғи А.Сарабеков бошчилигидаги ишчи гуруҳ томонидан аҳолининг ҳуқуқий муаммолари ўрганилди.

Ташкил қилинган сайёр қабулда 120 нафардан ортик фуқаро иштирок этиб, шундан 38 нафарининг муурожаати жойида ҳал этилди, 20 дан зиёд муурожаат иш юритувиги қабул қилинди, 60 нафарига тушунтириш ва ҳуқуқий хужжат лойиҳаси тайёрлаб берилди.

Тадбирда ФХДЁ, “Мадад”, нотариус, адвокат, тижорат банклари томонидан маслаҳат бурчаклари ташкил қилиниб, аҳолининг кундалик ҳаётидаги муаммоли масалалари юзасидан ҳуқуқий тушунтиришлар берилди. Шунингдек, газ ва электр таъминоти корхоналари томонидан соҳадаги янгиликлар тарғиб қилинди.

Аҳоли бандлигига қўмаклашиш мақсадида ташкил этилган меҳнат ярмаркасида 10 нафар фуқарога доимий ишлаш учун “Интер Милк” МЧЖга йўлланма берилди, 5 нафар фуқаро “Гулистон ишга марҳамат” мономарказига ўқиш учун юбориладиган бўлди. Аҳолига 50 турдан зиёд давлат хизмати кўрсатилди. Шу билан бирга ташкил қилинган тиббий кўрикда 320 нафар фуқаронинг саломатлиги назоратдан ўтказилиб, амбулатор ва стационар даволаниш учун йўлланмалар берилди. Тиббий кўрик давомида 199 нафар фуқаро сил касаллиги

бўйича рентген, ЭКГ, УЗИ текширувидан ўтказилди.

Куннинг иккинчи ярмида Адлия вазирлиги ишчи гуруҳи “Оқибат” маҳалласи “Еттилик” билан учрашиб, аҳолининг ҳуқуқий муаммоларини ўрганиш, тизимли муаммоларни аниқлаш ва бартараф этиш, “онлайн маҳалла” платформасига киритилаётган муурожаатлар ижроси юзасидан мулоқот қилишди. Шунингдек, электрон тизим орқали юборилаётган қонунчиликдаги янгиликлар юзасидан тайёрланган тарғибот материаллари билан танишиш ва аҳолига етказиш масалалари муҳокама қилиниб, зарур тавсиялар берилди.

Шундан сўнг ишчи гуруҳ томонидан аҳолининг яшаш шароити билан жойига чиққан ҳолда танишиш мақсадида мазкур маҳаллада уйма-уй юрилиб, фуқароларнинг кундалик ҳаётидаги муаммолари ўрганилди. Тадбир давомида ҳар бир фуқаро билан алоҳида суҳбатлашиб, уларнинг кундалик ҳаётида дуч келинаётган ҳуқуқий муаммолар таҳлил қилинди.

Ҳусусан, кадастр хужжатини расмийлаштириш, мерос иши очиш, туғилганлик ҳақидаги такрорий гувоҳномани олиш, химоя ордери ва бошқа масалаларда муурожаатлар тинглашиб, уларнинг ечими борасида ҳуқуқий маслаҳатлар берилди ҳамда ўрганиш муддат талаб этиладиган 50 га яқин ҳуқуқий муаммолар иш юритувиги қабул қилиниб, ижроси алоҳида назоратга олинди.

Дилноз УМУРЗОҚОВА, адлия бошқармаси ҳуқуқий ахборот шўъбаси бош маслаҳатчиси

(Бошланиши 1-бетда.)

Бугун шулар каби реклама ва эълонлар орқасидан пишқириб овқатланаётган одамларни ижтимоий тармоқларда кўп кузатяпмиз. Чойхона ва ошхоналаримизда мижозлар сонини ошириш мақсадида кам вақтда кўп овқат еган одамга мукофот бериш эвазига мижоз йиғиш урчиб кетди.

Серкўёш ўлкамизда етиштирилган маҳсулотлардан тайёрланган ҳар қандай таом мазали бўлади. Бироқ кам вақтда кўп таом ейиш оқибатида одамлар орасида семизлик, юрак ишемияси, қон босимининг ортиши каби касалликлар ҳам ортмоқда. Бундай касалликларнинг кўпайишига ҳисса қўшаётганликларини тадбиркорларимиз билишармикан? Қайси емакхонада таомлар лаззатли тайёрланса, одамлар ўзлари излаб келишади.

Миллий либос кийишга одатланайлик

Яқинда Сирдарё вилояти раҳбарининг тегишли қарорига мувофиқ ҳафтанинг жума куни “Миллий либослар куни” этиб белгиланди. Ўша куни ишхонага йиғитлар дўппида, хотин-қизлар атлас, адрас, бекасамдан либос кийишди. Рост, кўрган кўз қамашади. Бу ҳолатдан мутаассир бўлиб, ҳар куни миллийликни акс эттирувчи кийимлар кийишимиз лозим деган хулосага келдим. Ишхонамизга келган одамларнинг айримлари эса ҳайратнигоҳи билан тинчликми, бугун байрамми деган саволларни ҳам беришди.

Миллий кийимларда фуқаролар кўп мурожаат қиладиган ташкилот ва корхоналарга бордик. Афсуски, биз борган ташкилотларнинг барчасида ходимлар иш бошлашларидан аввал миллий либосларда расмга тушиб, кейин ечиб қўйишган экан.

— Мен дўппи кия олмайман!
— Нега?
— Агар дўппи кийсам, маҳалладошларимиз таъзия изҳор қилишади.
— Йўғ-е?!
— Ҳа. (Нуфузли ташкилот ходими билан бўлган сўхбатдан)

Ўйланиб қолади киши. Нега миллийликни акс эттирувчи ижобий чорлов ва ташаббусларга беэтибормиз? Ахир миллий либос кийиш муҳтарам Президентимиз томонидан илгари сурилган миллий контент яратиш борасидаги ишлар билан ҳамоханг-ку! Биз эса миллий кийим кийган йиғит ёки хотин-қизларни кўрсак, “тинчликми?” дея сўраймиз. Қизиқ, бу одатни ҳам таом тарғиботи каби мукофот эвазига амалга ошириш керакмикан ё?!

Аслида миллийликни тарғиб этишга қаратилган қарор ёки фармоннинг қабул қилиниши бизнинг ментелитетимизга тўғри келмайди. Тан олиш керакки, бугунги кунда миллий кийимларимизни кийганда уяладиган ҳолатга келиб қолдик, десак, хато эмас.

Қадриятларимизни улуғловчи, ўзида миллийликни акс эттирувчи гўзал, бежирим кийимларимизни кийишни ёш авлодга ўрнатиб қўрсатмас эканмиз, миллий урф-одатларимиз, қадимий анъаналаримизни сақлаш, миллий контент яратиш борасида амалга оширмоқчи бўлган ишларимиз самара бермаслиги муқаррар.

Ҳурматли воҳадошлар, вилоятимиз раҳбарининг қарори учунгина эмас, келажак авлодга миллийликни тарғиб қилиш учун ҳам миллий либосларимизни ҳар доим кийишни одат қилайлик.

Баҳром БОЙМУРОДОВ

• Замондошимиз

КИТОБ КЎТАРГАН ҚИЗ

Агар мусаввир бўлганимизда Лола Норовани кўлида китоб кўлтиқлаган ҳолдаги суратини чизган бўлардик. Нега шундай дейсизми? У кишим нафақат китобхон, балки китобларнинг ашаддий тарғиботчиси ҳамдир. Балки бу ҳол танлаган касби билан ҳам боғлиқдир.

Лола Норова Гулистон давлат университетининг Педагогика факультетини тугатган. Психология йўналишида магистрлик сабоғини олган. Айни пайтда ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда “Бешикдан то қабргача билим изла”, ҳадисига амал қилиб, Нукус давлат университетининг Юридик факультетида ўқимокда. Иш жойи таълим соҳаси билан боғлиқ. Гулистон шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлимининг дарсликлар бўйича методисти лавозимида фаолият олиб бормокда.

Атоқли ўрис адиби Максим Горькийнинг: “Ҳар қандай инсон ҳақида китоб ёзса бўлади”, деган ҳикмати бор. Биз, журналистлар гоҳида мақолаларимизга қахрамон кидириб тенгсалиб қоламиз. Ваҳоланки, улар ён-атрофимизда бўлади. Лолахонни шундай фидойи инсонлар сирасига киритса бўлади. У кишининг китобга ошуфталигини кўриб, туғилганида доялар танглайини китоб билан кўтаришганмикин, дея ўйлаб қоласиз. Талабалик йилларидаёқ севимли адибларини йўқлаб бориб гурунглари олигани, китобларига дастхатлар ёздиргани Лоланинг кўнгилхушига (хоббиси) айланган эди. Қахрамонимиз 2016 йил ёзувчиларнинг Дўрмондаги ижод боғида Ўзбекистон Қахрамони Абдулла Орипов хонадонидида меҳмон бўлганини ҳалиҳамон эсидан чиқармайди. Сирдарёдан таширф буюрган соддагина, лекин зукко қизгинанинг адабиёт ва китоб ҳақидаги теран мулоҳазаларини тинглаган ҳассос шоир “Туташ дунёлар” шеърини китобчасига “Жасур фикрли Лола қизга”, дея имзо чекиб, дастхат қўйиб берганди.

— Ўшанда Абдулла оғам билан суратга тушмаганимга ҳалигача афсусланаман, — дейди у.

Талабалик йилларида унинг икки китоби “Зиё” нашриётида босмадан чиққан. 2018 йилда чоп этилган “Тул ифори” китобидан Лола Норованинг шеър ва афоризмлари жой олган. Ўша йили у фалсафа фанлари доктори, профессор Виктор Алимасов билан танишди. Катта олимдан афоризмлари ҳақида билдирган фикрларни жон қулоғи билан тинглади. Шу-шу олим ва шогирд ўртасида сим орқали маърифий сўхбатлар йўлга қўйилди.

Китобга чексиз муҳаббат Лола Норовага 2021 йилда Гулистон шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлимига методист бўлиб ишга ўтганида жуда-жуда асқотди. У мактаб кутубхоналари фондини бадий китоблар билан бойитиш, ўқувчи, ўқитувчи ва ота-оналарни китобхонликка жалб этиш бўйича турли-туман лойиҳаларни ҳаётга жорий қилди. Ҳар йили

шаҳардаги 18 та умумтаълим мактабидида икки марта — кузги-кишки ва баҳорги-ёзги мавсумларда китоб ярмаркалари ташкил этишга бош бўлди. Бу юмушни рисоладагидек амалга ошириш учун тадбиркор Лола Ибрагимова билан шартнома боғлади. Унинг шартлари ҳам ажойиб: ярмаркага олиб келинган китоблар бозор нархларидан арзон ва адабий даврларда тан олинган сара асарлар бўлиши, болаларнинг ёшига муносиб келиши ракам этилган. Боз устига, тадбиркор савдодан тушган тушумнинг 10 фоизига мактаб кутубхоналарига текин китоблар совға қилишига келишилганди. Ана шу тариқа тўрт йилдирки, мактаб кутубхоналари китоб ярмаркаларидан тушган 3600 жилддан иборат бадий адабиётлар ҳисобига бойиб бормокда.

— Китоб ярмаркаларида ота-оналарнинг ҳам фаол иштирок этишига алоҳида аҳамият бераяпмиз, — дейди Лола Норова. — Оилада ота-она китоб ўқисагина фарзандлари ҳам уларга тасиб қилиб мутолаага ёпишади. Ярмаркалар боис оилаларда ҳам мўъжазгина кутубхоналар пайдо бўлишига ҳисса қўшаяпмиз.

Мактаб кутубхоналарини бадий китоблар билан бойитиш ўз йўлига, бироқ уларнинг ўқилишини таъминлаш катта меҳнатни талаб қилади. Ҳассос адибимиз Асқад Мухторнинг бир пурмаъно ҳикмати борку: “Китоб — бойлик. Лекин сотиб олингани эмас, ўқилгани”, деган. Лола Норова мактабларда китобхонликни изчил йўлга қўйиш мақсадида қатор лойиҳаларни ишлаб чиққан. “Заковатли китобхон” лойиҳаси шулар сирасига кирилади. Бунда мактаб жамоалари (раҳбарлар ва китобхон ўқувчилар) бир бир гуруҳ бўлиб ўзаро баҳсга киришадилар. Ютган мактаб бошқа ғолиб жамоа билан беллашади. Энг охирида китобхон мактаб номи аниқланади. Бундан ташқари, “Энг китобхон мактаб директори”, “Энг китобхон маънавиятчи”, “Энг китобхон кутубхоначи” каби танловлар мунтазам ўтказиб келинмоқда.

Албатта, бундай танловларни ўтказиш учун ғолиб жамоаларни тақдирлашга совғалар керак. Бу маблағ билан боғлиқ масала. Зеро, бозор иқтисодиёти даврида мушук ҳам бекорга офтобга чиқмайди. Лола Норова елиб-югуради. Каттани ака, кичикни ука, деб кўнглига қўл солади, образли қилиб айтганда, муаммо ечимининг жигини топади. Баъзан раҳбарларга сўровлар билан мурожаат қилади. Охири мақсад-муродига эришади. Биргина мисол. Қахрамонимиз шаҳар ҳокимининг навбатдаги қабулига ёзилади. Қабул куни зал тўла аризачилар ҳокимга дардларини дастурхон қилишади. Навбат Лола Норовага келганда ҳоким:

— Сизнинг нима шикоятингиз бор? — дея юзланади.

— Менинг ҳеч қандай шикоятим йўқ. Бир илтимосим бор, холос. “Китобхон ўқувчи” танловини ўтказаяётгандим. Шунга китобдан ёрдам бериб юборсангиз, — дейди.



Ҳокимнинг чехраси очилиб кетади. Танловга 40 жилд бадий китоб ҳадя қилади. Бундай мисоллар Лола Норованинг фаолиятида кўп бўлган.

Китобхонликнинг сифатини ошириш мақсадида Лола Норова ўтган йили ижодий таътил олиб, “Китоб-севар мактаб” деган методик китоб ёзди. Мазкур тўплам яқинда “Зиё” нашриётида босилиб чиқди. Китоб анчагина катта — 8,75 босма табоқ. Бир неча боблардан иборат. Ўқувчиларнинг кишки таътили пайтида мана шу методик китобнинг бир боби бўйича онлайн танлов ташкил этилди. Танлов низомига кўра, ҳар бир мактаб бирорта бадий асар ҳамда ўзлари танлаган китобдан мухтасар сахна кўриниши асосида 2 дақиқалик видеоролик тайёрлаши керак эди. Танлов қизгин курашларга бой ўтди. Пировардида мактаб жамоаларидан 61 та видеоролик келиб тушди. 20 дан зиёд ўзбек, қардош халқлар ва жаҳон адабиётининг сара намуналаридан кўринишлар тайёрланди. Барча роликлар шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлимининг “Таълим ва китоб” қаналига жойлаштириб борилди. Энг асосийси, мазкур танловда ўқувчилар билан бирга мактаб раҳбарлари, ўқитувчилар, ҳатто ота-оналар иштирок этишди. Биринчи ўринни олган 16-умумтаълим мактаби кутубхонасига 100 жилд бадий асарлар совға қилинди.

— Бу жуда катта лойиҳа, — дейди Лола Норова. — Уни фақат ўқувчиларнинг кузги, кишки, баҳорги ва ёзги таътилларида амалга оширамиз. Мақсадимиз ўқувчиларнинг бекор юрмаслиги, китобга ошно бўлишларини таъминлашдир.

Лола Норова билан турли танловлар, тадбирларда рўбарў келамиз. Доим кўлида қандайдир китоб бўлади. Сўхбатлашиб қолгудек бўлсак, гап орасида албатта, янги чоп этилган китоблардан сўз очади. Унинг тиник, теран фикрларини эшитарканман қулоқларим остида Президентимизнинг ёшлар китобхонлиги ҳақидаги пурмаъно ҳикматлари жаранглагандай бўлади: “Ёшларимизнинг китоб ўқишга бўлган қизиқишларини оширишга, уларнинг китоб билан дўст бўлишига, аҳолининг китобхонлик савиясини янада оширишга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим”. Бундай вазифани реалликка айлантиришда Лола Норова каби ёш, ташаббускор фидойиларнинг алоҳида ўрни бор.

Муҳаммадали АҲМАД,
Ўзбекистон Журналистлар
уюшмаси аъзоси

Тасвирда: Лола НОРОВА
Сурат Муҳаммад КАРИМНИКИ



“Йил аёли—2024” миллий танловининг республика босқичида “Йилнинг энг яхши чилангар аёли” номинацияси ғолибаси “Ўзбекгидроэнерго” акциядорлик жамияти “Фарҳод гидроэлектростанцияси” филиали электромашиналар цехи гидротурбина қурилмаларини таъмирловчи чилангар Парвина Муллаевадан нега айнан шу касбни танлагани ҳақида сўраганимизда — “Мен отам ва акамнинг изидан юрдим”, — деб жавоб берди.

• Орамиздаги одамлар

Чилангар аёл бахти

Мақтабда ўқиб юрганида ўқитувчилари Парвинадан, “қел-гусида ким бўлмоқчисан, қандай касбни танлайсан?” — деб сўрашса, ҳеч иккиланмай — “Отамдай энергетик бўламан, гидростанцияда ишлайман, - деб жавоб берарди. Ўшанда кизининг бу гапини ҳазилга йўйган отаси Ворис Абдуқаюмов йиллар ўтгач, унинг орзу ва мақсади жиддий эканлигини англади. Ворис ака меҳнат фаолиятини Фарҳод ГЭС филиали бошқарув пултида ишлашдан бошлаган ва кейинчалик бош муҳандис лавозимида хизмат қилиб, нафақага чиққан. Ҳозирги кунда эса у “Гидроқурилиш буюртмачи хизмат” масъулияти чекланган жамиятда муҳандис бўлиб ишлаб келмоқда. 45 йилдан бери шу соҳада самарали меҳнат қилиб, эл ҳурматига сазовор бўлган В.Абдуқаюмов “Фахрий гидроэнергетик” ҳамда “Меҳнат фахрийси” кўкрак нишонлари билан тақдирланган.

Отадаги қатъият, дадиллик, ўз севган касбига садоқатли бўлиш каби хислатлар фарзандларига, шу жумладан, Парвинага ҳам юккан. Оилада бирин-кетин энергетиклар вояга етди. Аввал ўғли Абдумажид шу касбни танлади. У олий маълумотли мутахассис. Ҳозирги кунда Фарҳод ГЭС директори вазифасида ишламоқда.

Парвина Ширин шаҳридаги 3-умий ўрта таълим мактабини аъло баҳоларга тамомлаб, дастлаб Ангрен шаҳридаги молия ва иктисодиёт коллежига ўқишга кирди. Лекин ўша болалигидаги бегубор орзулари уни тарк этмаган эди.

— Коллежни битиргач, гарчи му-

тахассислигим иктисодчи бўлса ҳам ГЭСда ишлашни танладим. ГЭСдаги иш жараёнларини кўриб, чилангарлик касбига қизиқиб қолдим ва уйдагиларнинг “темир-терсак ичида юриш қизларнинг иши эмас”, деганига ҳам қарамай машинист бўлиб ишга кирдим. Ўшбу соҳада ишлаётганлар тили билан айтганда гидроагрегат, яъни сувдан ток чиқарувчи машинани бошқарувчи. Аслида бу аёлларнинг иши эмаслигини кўпчиликдан эшитсам-да феъл-атворимдаги отамга хос кирраларим, яъни бироз ўжарлигим, кайсарлигим, бир ишни бошласам, охиригача етказмасдан қўймаслигим боисми, ишга қаттиқ киришдим. Корхонадаги оғир қўл меҳнати орқасидан рўзғор тебратётган аёлларни кўриб, шулар қилган ишни мен ҳам қила оламан, келажакда қўлларим қора бўлган аёлларнинг меҳнатини, “чилангар аёл” деган номни юқорига кўтараман, бу соҳада ишлаб, ютуқларга эришаман”, деган мақсад сари интилдим.

Мойга ботган аёлларнинг меҳнатини, “чилангар аёл” деган номни юқорига кўтараман, бу соҳада ишлаб, ютуқларга эришаман”, деган мақсад сари интилдим. Бу касб сирларини мукамал ўрганишимда Фарида Тайкенова, Музаффар Алимов ва бошқа устозларимнинг йўл-йўриқлари, маҳорат ва тажрибалари қўл келди.

Парвина чин маънода энергетиклар сулоласидан. Отаси, акасида ташқари, турмуш ўртоғи, қайнота ва қайно-

наси ҳам шу касб эгалари. Турмуш ўртоғи Шухрат Муллаев гидростанцияда цех устаси. Аёл қанчалик бир сўзли, орзу мақсадли бўлмасин, бундай касбда ишлаш аввало турмуш ўртоғига, у келин бўлиб тушган хонадоннинг соҳибларига боғлиқ. Бу жиҳатдан Парвинанинг бахти чопган. У оиласининг қўллаб-қувватлаши натижасида олий маълумотли бўлди, яъни Россиянинг Томск шаҳридаги политехника университети иктисод факультетида сиртдан таҳсил олиб, билим ва малакасини оширди.

Парвинанинг иш фаолияти билан танишадиган бўлсак, у ёш бўлишига қарамай меҳнатсеварлиги ва тиришқоқлиги боис турли довлардан ўтди, ўз орзуси йўлида ўқишдан, меҳнатдан, изланишдан чарчамади. Дастлаб (2009 йили) Фарҳод ГЭС УҚда (филиалида) 1-разрядли машинист, кейинчалик 2-разрядли гидротурбиналарга хизмат кўрсатувчи чилангар, 3- ва 4-разрядли чилангар даражасига етди. Сўнгги йилларда эса 5-разрядли гидротурбина қурилмаларини таъмирлаш ва хизмат кўрсатиш бўйича чилангар вазифаларида фаолият кўрсатмоқда.

— Мен жуда бахтли аёлман, уч нафар фарзанднинг онасиман, хонадоннинг эрка келиниман, — дейди Парвина ўз ҳаётидан, тақдиридан, мамнун бўлиб сўзларкан. — Фарзандларимнинг тарбиясида оила устунлари бўлган қайнота ва қайнонамнинг ўринлари бекиёс. Бобоси, бувиси ва отасидан ўз касбларига хос бўлган интизомли бўлиш, қатъиятлик, масъулиятлик

каби хислатларни ўрганишади. Энг муҳими, фарзандларим чинакам ҳаёт китоби сабоқларини оилада ўқиб, ўрганишмоқда. Бугунги кунда ўзим ҳам “устоз” деган номга эришдим. Бир пайтлар “чилангар бўламан”, деганимда баъзилар бунга ишонишмаганди. Энди ўшалар айтган гапларидан уялиб қолишди. Шогирдларим Гулшо-да Сангинова, Сабрина Одинаева каби чилангарлик касбини пухта эгаллаган кизлар бугунги кунда жамоанинг хурмат-эътиборига тушган. Мен чилангарлик касбимдан ташқари корхонада (Фарҳод ГЭС филиалида) хотин-кизлар кенгаши етакчисиман. Жамоасидаги ишчи-хизматчилар сони 143 нафар бўлса, уларнинг 22 нафари аёллар. Корхонамизда аёлларга эътибор жуда катта, улар учун барча шарт-шароитлар, қулайликлар яратилган.

Президентимизнинг 2017 йил 2 майдаги “2017-2021-йилларда гидроэнергетикани янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида”ги 2947-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 18 октябрдаги “Фарҳод” гидроэлектр станциясини модернизация қилиш тўғрисида”ги 827-сонли қарорларига асосан мазкур ГЭСни модернизация қилиш ва қайта техник жиҳозлаш ишлари амалга оширилди. Корхонада амалга оширилган модернизациялаш жараёни ишчиларнинг оғир меҳнатларини енгиллаштирди, ҳамма жиҳозлар янгиланди, иш жараёнлари автоматлаштирилди. Мен отамнинг касбини давом эттириб, шу корхонада ишлаётганимдан фахрланаман. Яна бир орзуим “Йил аёли” танловининг гидроэнергетика соҳаси бўйича номинацияси ғолиби бўлиш эди.

Ширинлик чилангар Парвина Муллаева замонамизнинг бахти тўқис, ҳаётда ўз ўрнини топган аёлларидан бири. Нурчилар шахри Ширинда, Алишер Навоий номли маҳаллада Парвина Ворисовна (уни бугунги кунда шундай деб аташади)га ҳавас қилувчилар қўп. Шу ўринда биз Ширин шаҳридаги Фарҳод ГЭСда Алишер Навоий бобомизнинг “Хамса”сидаги “Фарҳод ва Ширин” достони қаҳрамонлари бўлган афсонавий Фарҳод ва Ширинларнинг замонавий издошлари яшаётгани, уларнинг ҳаёти ва ишлари барчага ибрат бўлаётгани билан фахрланамиз.

Холида ПАРДАБОЕВА

Суратларда: Парвина Муллаева ҳаёти ва иш фаолиятдан лавҳалар.



БИР УМР МИННАТДОРМАН

Янги йил арафасида юрак хасталигим хуруж қилиб, дунё кўзимга қоронғу кўринди. Инсон тўшакка ётиб қолсагина соғлигининг қадрига етар экан. Шундай лаҳзаларда оқ халатли кишилар кўзингга нажот фаришталари бўлиб кўринади. Даво истаб, шифокорларга мурожаат қилдим.

Мени Гулистон шаҳар тиббиёт бирлашмасига қарашли шифохонанинг кардиоревматология бўлимига қабул қилишди. Текширувдан ўтдим ва мени палатага ётқизишди. Керакли таҳлилларни топширдим. Ревматолог — шифокор Жалолиддин Набиев таҳлиллар натижаларига кўра зудлик билан зарур муолажаларни белгилади.

Ҳамширалар атрофимда парвона бўлиб, даволаш ишларини амалга оширишди. Шифокорнинг ўзи тез-тез ҳолимдан хабардор бўлиб турди. Айниқса, унинг хушмуомаласи муолажалардан-да кўпроқ қалбимга таскин, дардимга малҳам бўлди, десам тўғри бўлади. Нафақат мен, балки ҳамроҳла-

рим ва бошқа палаталардаги беморлар ҳам шифокор ҳамда ҳамширалардан беҳад миннатдор эканликларини бот-бот такрорлашарди. Мен бу ерда хизмат қилаётган тиббиёт ходимлари ўз касбларига садоқатли, меҳрибон ва ғамхўр эканликларига ҳар кун, ҳар соатда гувоҳ бўлдим.

Бир неча кун давомида даволаниб, саломатлигим яхшиланиб, қаддимни ростладим. Муолажалар ўз йўлига, бемор учун ширин сўз жон озиғи, дил малҳами эканлигига яна бир бор ишондим.

Азиз шифокорлар, эл соғлиғи йўлида чеккан машаққатларингиз, кечани кундузга улаб, қилган хизматларингиздан беҳад миннатдорман. Биз — кексалар



• Қалб ташаккури

сизларни ҳамиша дуо қиламиз, асло чарчаманглр.

Майрам ИРГАШЕВА,
Гулистон туманида яшовчи
меҳнат фахрийси.

Суратда: ревматолог-шифокор Жалолиддин Набиев.



Кутубхонанг

қандайлигини айт?..

Журналист
суриштируви

Тилимга дафъатан мақолнамо бир хикмат келди: кутубхонанг қандайлигини айт, мен сенинг мактабининг қандайлигини айтиб берман. Дарвоқе, вилоятимиз ҳокими вазифасини бажарувчи Эркинжон Турдимов сайёр қабуллар пайтида бир гапни алоҳида урғуладилар: **“Сирдарёмиз ривожланиши ва барча соҳаларда ижобий ўзгаришлар бўлиши учун нима қилишимиз керак? Бугун ҳам, эртага ҳам яхши яшашимиз учун фарзандларимизнинг билим олишга бўлган интилишларини назорат қилайлик”**. Билим эса мактабларда олинади. Уни устозлар норасида болажонларнинг онгига муҳрлайди. Мақол бор-ку: “Ёшлиқда билгани — тошга ёзгани, қарилқда билгани — музга ёзгани”, деган. Ҳазрат Алишер Навоий бобомиз ҳам шундай лутф этганлар: “Ийгитликда йиғ илмнинг маҳзани, қарилқ чоғида сарф қилгил ани”. Албатта, ўсиб келаётган ёш авлодга билим беришда устозларнинг энг яқин ёрдамчиси китобдир. Платоннинг “Китоб — соқов ўқитувчи”, деган айтимида жон бор.

Гапимизнинг даромадидан сезгандирсиз. Бу галги ҳикоямиз мактаб кутубхоналари ҳақида боради. Мирзаобод тумани мактабларида ўқувчиларнинг дарсликлар билан таъминланишида ҳеч қандай муаммо йўқ. Бироқ бадий адабиётлар борасида бундай фикрни айтиб бўлмайди. Журналистикада фактлар ва рақамлар сўзлайди, деган канотли ибора бор. Туман мактабгача ва мактаб таълими бўлими бошлиғи Дилшода Таниқулованинг ёзма ахборотида келтирилишича, 34 та умумтаълим мактабида 15

минг 105 нафар ўғил-қиз таҳсил олади. Мактаб кутубхоналарида уларга 51 минг 502 жидд бадий адабиёт хизмат қилмоқда. Бу ҳар бир ўқувчига 3 яримтадан китоб тўғри келади, деган сўз.

Мана шу биргина фактнинг устида узоқ ва чуқур мулоҳаза қилишимиз мумкин. Мустақилликка эришганимизга қарийб 34 йил тўлаётган бўлса-да, мактаб кутубхоналари фонди анчайин зариблигича қолмоқда. Ваҳоланки, ҳар йили “Маърифат қарвонлари” ва бошқа тадбирлар орқали мактаб кутубхоналарига ўнлаб жидд китоблар кириб келаяпти. Булар сирасига ҳомийлар кўмаги, “Китоб ярмаркалари”, мактабларни битириб кетган собиқ ўқувчиларнинг ҳиммати туфайли ҳадя қилинаётган китобларни ҳам қўшсак, манзара янада тиниклашади. Бизнинг фикримизча, мактаб кутубхоналари маҳаллий бюджетдан ажратилган маблағлар эвазига кўп-мўл китоблар билан тўлдирилсагина муаммо ечимини топади. Афсуски, 2024-2025-ўқув йили бадалига туман мактаб кутубхоналарига бир донга ҳам китоб олиб берилмабди.

Бу ҳол мактаб кутубхоналарининг бугунги аҳво-

олди. Гап орасида электрон китоблар ўқиётганини кўшиб қўйди. Мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Тамара Сиддикова ҳам янги йилда битта — “Лаънати маҳлуқ” китобини олганлиги формулярда қайд этилган. Кутубхоначининг ўзи эса отам замонидан чоп этилган китобларни ўқиганини оғиз тўлдириб мактанди. Тўғри, раҳбарларнинг иши, югур-юғури кўп. Бироқ ўқитувчи қавми бир кун ўқимаса, ҳаётдан орқада қолади. Чунки касбининг номидаги “ўқи” ўзаги бу оддий ҳақиқатни раҳбарларга эслатиб туриши керак. Бола зоти қуруқ гапга эргашмайди, балки устозларининг ибратли хатти-ҳаракатларига тасиб қилади.

Тумандаги 18-умумий ўрта таълим мактабида бўлганимизда табиатимиз тирикчилигидан тиришган пешонамиздаги чизиклар ёзилгандай бўлди. Мактаб директори Нодирахон Маматкулова китобхон раҳбарлардан экан. Ўқиган китобларини санай бошлаганида зўрга тўхтатдик. Яқинда у кишим туман Ахборот-ресурс марказига ўз кутубхонасидан 200 жидд китоб совға қилибди. Мактабда 261 нафар ўқувчи таҳсил оларкан. Мактаб кутубхонасида 1600 жидд бадий китоб мавжуд бўлиб, ҳар бир ўқувчига 6,1 дондан китоб тўғри келаркан. Утган ҳафта мактабда “Китобхон миллат” лойиҳаси доирасида “Китоб ярмаркаси” ўтказилибди. Ота-оналар, ўқитувчилар 1 миллион 523 минг сўмлик 57 жидд китобни мактаб кутубхонасига совға қилишибди. Кутубхоначи Дилором Абдухолиқова 11- ва 6-синфларда Худойберди Тўхтабоевнинг “Қиз талашган ўсмирлар”, “Ширин қовунлар мамлақати” асарларининг тақдимотини ўтказибди. Бутун мактаб миқёсида “Мен ўқиган китоблар” ҳафталиги ташкиллаштирилибди.

— Интилганга толе ёр. 9-синф ўқувчимиз Заҳро Суюндикова устози Жавахир Раҳмонов билан “Зукко китобхон” туман танловида ғолиб чиқиб, 1 миллион 300 минг сўмдан пул ютуғини қўлга киритди. 10-синф ўқувчимиз Муаззам Ҳайитбоева эса “Ёш китобхон” танловининг туман босқичида 2-ўринни эгаллади. “Китобхон оила” танловининг туман босқичида Маматкуловлар оиласи фахрли 2-ўринни қўлга киритди. Ана шу тариқа ютуқларимиз аста-секин кўпайиб бораёпти, — деди мактаб директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича ўринбосари Ҳилола Ҳақимова.

Инглиз ёзувчиси Чарльз Лемб: “Яхши кутубхонада бўлишдан ортиқ завқ борми? Китобларга қарашнинг ўзи бахт”, деб ёзганди. Мактаб кутубхоналари албатта, яхши кутубхоналарга айланиши керак. Чунки китобхон миллатга айланишнинг энг мақбул йўли шулдир.

Мухаммадали АХМАД

Тасвирда: 18-умумий ўрта таълим мактаби кутубхоначиси Дилором Абдухолиқова китобхон ўқувчилар билан суҳбатда.

Муаллиф олган сурат

Текстиль корхонаси қайта иш бошлади



(Бошланиши 1-бетда.)

Чунки энди бекорчи эмасмиз, оиламизга нафимиз тегаётганидан хурсандмиз. Ҳозирча маошларимиз 2,5-3 миллионни ташкил этади. Келгусида иш ҳажмига қараб, яна оширамиз, дейишяпти.

Корхона ишчиларига саккиз соатлик иш режими йўлга қўйилиб, уларнинг қатнови учун автобуслар ташкил этилган. Сменасиз иш ташкил этилганлиги сабабли бир маҳал тушлик берилаётир.

—Юртингизда тадбиркорлар учун жуда кенг имкониятлар яратилган, — дейди корхона раҳбари Харун Байрам. — Мақсадимиз даромад олиш баробарида янги иш ўринлари яратиш, янгича ғоялар ва технологияларни жорий этиш орқали бозор талабини қондириш ҳамда йирик инвестициялар талаб қиладиган ва кўп сонли ходимларни иш билан таъминлайдиган корхоналар сонини кўпайтиришдир.

Ҳа, тадбиркорлик нафақат иқтисодиётнинг ривожини учун муҳим, балки ижтимоий соҳа ривожига ҳам олиб келади. Ишлаётган ишчилар ҳам ортирган тажрибалари ва кўникмалари туфайли ўзларини тадбиркор сифатида синаб кўриш имкониятига эга бўладилар.

Хурида НИШОНОВА

ОЛИМА АЁЛЛАР ДАВРАСИДА

Машҳур ўзбек маърифатпарвари, шоир ва жамоат арбоби Абдулла Авлоний: «...Маърифатли халқ шижоатли бўлур. Шижоат қалбнинг матонатидан, рухнинг саломатлигидан иборатдир. Маорифдан, фунундан ва маданиятдан маҳрум бўлган халқ жаҳолат панжаларининг орасида хамир каби эзилгандек, аъфол замирида ҳам ўз нафсининг ёқасини бўшата олмас...» деганида қанчалик ҳақ эди.

Яқинда Оила ва хотин-қизлар кўмитаси қошидаги “Аёл маърифати” илмий-ижодий хотин-қизлар жамоатчилиги кенгашининг ZOOM орқали бўлиб ўтган “Аёл — тараққиёт тимсоли” мавзусидаги илмий-амалий конференциясида сирдарёлик олима аёллар вакиллари ҳам фаол иштирок этишди.

Тадбирни очган Ўзбекистон Республикаси Бош Вазирининг ўринбосари – республика Оила ва хотин-қизлар кўмитаси раиси Зулайхо Маҳмадова хотин-қизларнинг жамиятдаги ўрни, роли, нуфузи, шунингдек, унинг маърифатли ва маънавиятли бўлиши миллат келажиги учун қанчалик муҳим эканлиги тўғрисида тўхталди: —Маърифатсиз жамият жамият эмас.

Маънавият ва маърифат уйғунлиги ўзбек халқининг кўп минг йиллик тарихи даврида доимо унинг энг кучли ўзига хос хусусияти бўлиб келган. Чунки, қадим-қадимдан давлатимиз тараққиётининг асосини,

пойдеворини маънавият, маърифат ва ахлоқ қадриятлари ташкил этган ва бу тушунчаларни бир-биридан ажралган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Мамлакатнинг келажигини, тақдирини маърифатли,

билимли ёшлар белгилайди. Оилада аёл маърифатли бўлса, фарзандлар маънавиятли, билимдон, юрт қорига ярайдиган бўлиб вояга етадилар.

Колумбия университети профессори Азиза Шоназарованинг “Ўзбекистон тарихида олима аёллар”, тарих фанлари доктори, профессор Дилором Алимованинг “Абдурауф Фитратнинг “Оила” асари ва унинг ҳозирги даврдаги аҳамияти”, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, шоира Шарифа Салимованинг “Аёл маърифати ва тарих”, Янги Ўзбекистон университети проректори Ҳилола Назированинг “Тарихни қимлар ёзган?” каби мавзулардаги маърузалари тингланди.

Шунингдек, телемулоқотда қатнашган сирдарёлик олима аёллар: ГулДУ профессори Матлуба Холназарова, ГулДУ доценти Назира Мирзаева, психология фанлари бўйича фалсафа доктори Шоира Файзиёева, Тошкент кимё-технология институти Янгиер филиали ўқитувчиси Севара Ҳаққулова ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини ва тақлифларини билдирдилар.

Х.ЭШОНҚУЛОВА

• Телемулоқот

Қишлоқ хўжалигида

Қўшимча
имкониятлардан
фойдаланиб...

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 декабрдаги ПҚ-465-сонли “Қишлоқ хўжалиги майдонларидаги қўшимча имкониятлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги Қарори қабул қилинган бўлиб, ушбу қарорнинг мақсади қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ер участкаларининг дала четлари ҳамда каналлар, сўғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларда ҳамда аҳоли томорқаси, хонадонлар ва кўп қаватли уйлар олди, маҳалланинг ички кўчаларида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштирилишини самарали ташкил қилиш ва кўпайтириш орқали мамлакатнинг экспорт кўрсаткичларини оширишдан иборатдир.

Мазкур қарор талаби бўйича ердан фойдаланувчиларнинг асосий мажбурияти этиб қишлоқ хўжалиги ерларидан мақсадли ва оқилона фойдаланиш, дала маданияти, келгусида дала четларидаги каналлар, сўғориш ва коллектор-дренаж тармоқлари атрофидаги майдонларида мақбул экинлар экилишини ёки тут кўчатлари ўтказилишини таъминлаш муҳим. Асосий экинларнинг ривожланишига салбий таъсир бўлмаган ҳолларда боғлар ва тоқзорларнинг қатор ора-ларига даромад келтириши мумкин бўлган мақбул экинлар экилишига эришиш ҳамда дала четларида сув таъминоти мавжудлиги ва ушбу ерларга экин экилишида ирригация ва мелиорация тадбирларини амалга оширилиши ҳисобланади. Бирок, кейинги йилларда мевали, манзарали кўчатларнинг тури ва нави аниқ бўлмаган мувофиқлик сертификатсиз реализация қилиниши ҳамда уруғларнинг униб чиқмаслиги, агротехник тадбирларнинг ўз вақтида ўтказилмаслиги оқибатида фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда кластер корхоналарига катта миқдорда зарар етказиш ҳолатлари кузатилмоқда.

Ҳозирги кунда Инспекциянинг вилоят бошқармаси ва туман бўлимлари томонидан вилоят ҳудудларидаги дала четларига кўчат ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экадиган фермер хўжаликлари ҳамда бошқа субъектларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2024 йил 30 декабрдаги “Қишлоқ хўжалиги майдонларидаги қўшимча

имкониятлардан фойдаланган ҳолда маҳсулот етиштиришни кўпайтиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида”-ги ПҚ-465-сонли қарорининг 7-бандида тасдиқланган республика, ҳудудий ишчи гуруҳлари ваколатига дала четларига ҳар йили 1 апрелга қадар экин экиш зарурлиги айтилган. Йил давомида маҳсулот етиштирилмаган ердан фойдаланувчиларга нисбатан далолатнома расмийлаштириб, жарима қўллаш учун Агросаноат мажмуаси устидан назорат қилиш инспекциясига тақдим қилиш билдирилган. Дала четларининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси ва ижарачиси ҳар йили 1 апрелга қадар ушбу ер майдонига экин экмаган ёки иккиламчи ижарага бермаганда, дала четларини талабгорларга тўғридан-тўғри ўн йилгача муддатга иккиламчи ижарага бериш ҳақида дала четларининг эгалик қилувчиси, фойдаланувчиси ва ижарачисига талабнома киритиш зарурлиги юзасидан тушунтириш ва тарғибот ишлари амалга оширилиб, 350 та огоҳлантириш берилган.

Инспекциянинг вилоят бошқармаси томонидан вилоятимиздаги барча ердан фойдаланувчиларга қулай об-ҳаво шароитидан фойдаланган ҳолда дала четларида қисқа муддатда ўтказилиши лозим бўлган барча агротехник тадбирларни ҳамда мевали дарахт ва бошқа қишлоқ хўжалиги экинлари экилишини ташкил этишлари тавсия этилади.

Н.ШОДИЕВ,
Ўзагроинспекциянинг Сирдарё вилоят бошқармаси бошлиғи

Оқолтин тумани аҳолиси ва
тадбиркорлари диққатига!

2025 йил 19 февраль куни соат 11.00 да Оқолтин тумани “Тошкент” МФЙ биносида Марказий банк ҳудудий Бош бошқарма раҳбариятининг сайёр қабули ўтказилади.

Қабулни ўтказишдан мақсад тижорат банклари томонидан кўрсатилаётган банк хизматлари борасида дуч келаётган муаммоларни аниқлаш, уларнинг қонуний ечимини топиш ҳамда келгусида банк тизимида кўрсатилаётган хизматлар сифатини янада ошириш мақсадида банк хизматлари истеъмолчиларининг таклиф ва мулоҳазаларини ўрганиш.

Ушбу сайёр қабулда мурожаат ва таклифлар билан фаол иштирок этишингизни сўраймиз.

Қабул юзасидан мурожаат учун телефон: (97) 278-50-55.

**Марказий банк Сирдарё вилояти
Бош бошқармаси**



Оқолтин туманидаги “Navro‘z qut barakasi” масъулияти чекланган жамиятга қарашли балиқчилик хўжалиги ҳудудига умумий қуввати 320 киловатт бўлган қуёш панеллари ўрнатилиб, жорий йилнинг январь ойида ишга туширилди. Ўрнатилган қуёш панеллари ҳисобидан ойига ўртача 70 МВт/соат, йилига 900 МВт/соат электр энергияси ишлаб чиқарилиши ҳамда эҳтиёждан ортиқча ишлаб чиқарилган электр энергиясини давлатга сотиш эвазига йилига 600 миллион сўм миқдорида фойда олиш режалаштирилмоқда.

Қуёш панеллари ўрнатиш
ишлари ўрганилди

• **Божхона тизимида**

Энг асосийси, қайта тикланувчи электр энергияси манбаси ҳисобига, атмосферага чиқаётган углерод чикиндилари миқдори камайибгина қолмай экологик манфаатдорлик ошади, энергия харажатларини тежаш, мулк қийматини ошириш, энергия мустақиллигига эришиш имконини беради.

Оқолтиндаги “Navro‘z qut barakasi” масъулияти чекланган жамиятга ўхшаш корхоналардан 934 таси, ижтимоий муассасаларининг 456 таси, аҳоли хонадонларининг 1026 таси бугунги кунда қайта тикланувчи электр манбасидан фойдаланилапти. Қувонарлиси, улар томонидан

электр энергияси ишлаб чиқариш бўйича қуввати 25582 киловаттлик қуёш панеллари ўрнатилди. Бу эса, албатта фойдали. Энг асосийси, электр энергиясига сарфланаётган ортиқча харажатни олдини олишга ёрдам бермоқда. Шу бонсдан бошқарма бошлиғи бошчилигидаги ишчи гуруҳ жойларда ва ҳудудларда бўлиб, тарғибот ишларини олиб бориш баробарида мониторинг ишларини ўтказяпти.

“Navro‘z qut barakasi” масъулияти чекланган жамиятга ўрнатилгани каби кичик қуёш электр станцияларидан фойдаланиш нафақат бутун сайёрамыз ва ер юзидаги экологик вазиятни яхшилашга ёрдам беради. Давлатимиз

раҳбарининг 2022 йил 9 сентябрдаги “Энергияни тежовчи технологияларни жорий этиш ва кам қувватли қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ҳамда 2023 йил 16 февралдаги “2023 йилда тикланадиган энергия манбалари ва энергия тежовчи технологияларни жорий этишни жадаллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари бу борадаги ишларни ташкил этиш, ташкилот ва муассасалар, аҳоли хонадонларини қайта тикланувчи энергия манбаларга ўтказиш ва уни жадаллаштириш борасида ташланган муҳим қадам бўлди.

**Вилоят Божхона
бошқармаси Матбуот
хизмати бўлими**

Уруғлик пахта ҳамда сабзавот, полиз, мойли, дуккакли,
озуқа ва бошқа экинлар уруғчилиги билан шуғулланувчи
субъектлар раҳбарлари диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги ПҚ-106-сонли ва Сирдарё вилояти ҳокимининг 2022 йил 1 февралдаги 40-9-0-Қ/22-сонли қарорлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2025 йил 18 январдаги 04/22-07/15-сонли хатининг ижросини таъминлаш мақсадида уруғчиликка ихтисослаштирилган ҳудудлардаги қишлоқ хўжалиги корхоналари ўртасида уруғчилик хўжаликларини танлов асосида 2022 йил 9 июндаги 320-сонли қарорида белгиланган тартибда “Уруғлик пахта хом ашёси ва бошқа уруғлик қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириш учун” субъектлар ўртасида танлов жорий йилнинг 1 февралидан 25 февралгача бўлган муддатда ўтказилади.

Танловда қатнашиш учун ҳужжатлар ишлаб чиқилган лойиҳага мувофиқ 2025 йил 1 февралдан бошлаб ишга туширилиши кутилаётган “e-urug” (e-seeds) тизими орқали пахта ва бошқа экинлар уруғликларини етиштирувчи субъектларни танлаб олиш мақсадида ҳужжатлар қабул қилиниши 25 февралга қадар туман ҳокимликларида ташкил этилган танлов комиссияси ишчи гуруҳи томонидан қабул қилинади.

Қўшимча маълумотлар учун “Уруғчиликни ривожлантириш маркази” ДМ Сирдарё вилоят бошқармаси. Телефон: (90) 404-55-37, (94) 359-38-00;

Боёвут тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими. Телефон: (94) 586-11-00, (93) 295-48-45;

Оқолтин тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими. Телефон: (97) 734-83-34, (97) 224-15-15;

Гулистон тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими. Телефон: (91) 621-10-01, (93) 293-41-41;

Сайхунобод тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими. Телефон: (99) 474-49-64, (99) 605-55-87;

Мирзаобод тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими. Телефон: (97) 020-07-87;

Сирдарё тумани Қишлоқ хўжалиги бўлими. Телефон: (99) 132-73-23, (88) 905-86-85.

Боёвут тумани давлат хизматлари маркази томонидан 06.09.2021 йилда 1033957 рақам билан давлат рўйхатидан ўтказилган “DILMUROD BIZNES HAMKOR 555” МЧЖ га тегишли бўлган юмалоқ мухр йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Фуқаро Эргашев Ихтиёр Эрқўзиевич номига вилоят ИИБ Молиявий таъминот хизмати пенсия таъминоти бўлими томонидан 2017 йилда берилган 2861 рақамли пенсия гувоҳнома-си йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

• **Статистика**

КОРХОНА ВА
ТАШКИЛОТЛАР
ФАОЛИЯТИ

2025 йил 1 январь ҳолатига вилоятда фаолият кўрсатаётган корхоналар ва ташкилотларнинг сони (фермер ва деҳқон хўжаликларида ташқари) 10 717 тани, улардан кичик корхона ва микрофирмалар сони 8 639 тани ташкил этди.

2024 йилнинг январь-декабрь ойларида вилоятда янги ташкил этилган корхона ва ташкилотлар сони 1 852 тадан иборат бўлган эди. Уларнинг иқтисодий фаолият турлари бўйича тақсимланиш қуйидагича бўлди: савдода 683 та, қишлоқ ўрмон ва балиқчилик хўжалигида 352 та, саноат соҳаларида 263 та. Ҳудудлар кесимида энг кўпи Гулистон шаҳрида 385 та, Мирзаободда 206 та, Сирдарёда 188 та, Сардобада 182 та бўлди. Туманларнинг ҳиссалари шу даражада бўлди.

Бердиёр АХМЕДОВ,
вилоят статистика бошқармаси статистик регистрларни юритиш бўлими бошлиғи

Заҳиридиин Муҳаммад БОБУР

ҲАЗАЛЛАР

Келтурса юз балони ўшал бевафо манга,
Келсун агар юзумни эвурсам, бало манга.

Нетгайман ул рафиқ билаким, килур баса,
Меҳру вафо рақибга, жабру жафо санга.

Бегона бўлса ақл мени тилбадин, не тонг,
Чун бўлди ул парисифатим ошно манга.

Оху ёшимдин орта дурур заъф, эй табиб,
Билдим ярашмас эмди бу обу ҳаво манга.

Дардим кўруб муолажада зоёэ этма умр,
Ким, жонда дарди ишқ дурур бедаво манга.

То ёр кимни истару кўнглига ким ёқар,
Ташвиш бежигат дурур охир санго, манга.

Бобур, бўлуб турур икки кўзум йўлида тўрт,
Келса не бўлди қошима бир-бир манго манга.

Ўзни, кўнгул, айш билан тутмоқ керак,
Бизни унутқонни унутмоқ керак.

Айшу тараб гулбунига сув бериб,
Ғусса ниҳолини курутмоқ керак.

Тийра турур зуҳд дамидин кўнгул,
Ишқ ўти бирла ёрутмоқ керак.

Ҳар нимага ғам эма, ғам кўп турур,
Айш била ўзни унутмоқ керак.

Қўйма машаққат аро, Бобур, кўнгул,
Ўзни фароғат била тутмоқ керак.

РУБОИЙЛАР

Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқисидур,
Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқисидур,
Яхши киши кўрмагай ёмонлиғ ҳаргиз,
Ҳар кимки ёмон бўлса, жазо топқисидур.

Ёд этмас эмиш кишини меҳнатга киши,
Шод этмас эмиш кўнгулни ғурбатга киши.
Кўнгул бу ғарибликта шод ўлмади ҳеч,
Ғурбатга севунмас эмиш, албатта, киши.

Ҳижрон аро ёд этиб мени шод айла,
Маҳжур кўнгулни ғамдин озод айла,
Бу хатни анинг учун битдим мунда,
Кўрган Сойи хатимни, мени ёд айла.

Ул хатки, анда сени мен ёд этгаймен,
Кўз оқида қошки савод этгаймен,
Кириклардан анга қалам рост қилиб,
Кўз қаросидин анга мидод этгаймен.

ТУЮҚЛАР

Васлдин сўз дерга йўк ёро манга,
Ҳажр аро раҳм айлагил, ёро, манга.
Ўқунг этти кўп ёмон ёро манга,
Мархами лутфунг била ёро манга.

Улки, ҳар кўзи ғазоли Чиндурур,
Қошида пайваста онинг чиндурур.
Чунки кўп ёлгон айтти ул манга,
Ғар десам ёлгончи они чиндурур.

Ишқ аҳли ишқ дардини танинг,
Кўп ёмондур, дарди ишқидин танинг.
Ҳар неча кўзум оч эрса, кўз тўёр
Ғар очилса сиймдек нозик танинг.



Мирзо Бобурнинг Фарғона Самарқанд, Қобул ва Ҳиндистонда 1494-1530 йилларда барпо этган давлатининг ташқи сиёсат ва дипломатияси моҳияти ва мазмунига кўра ўта мураккаб тарихий ходиса бўлиб, ўзбек миллий давлатчилиги тарихининг шарафли босқичи эди.

Мирзо Бобурнинг давлатчилик ташқи сиёсати ва дипломатиясини қуйидаги даврларга бўлиш мумкин:

Мирзо Бобур Фарғона давлатининг минтақавий ташқи сиёсати ва дипломатияси (1494-1506 йиллар).

Мирзо Бобурнинг Қобулни эгаллаб, бу ерда том маънода давлат, армия (черик) қуриш даври билан боғлиқ ташқи сиёсати (1506-1519 йиллар).

Мирзо Бобур давлатчилик ташқи сиёсатидаги учинчи катта даври - Ҳиндистонда буюк бобурийлар салтанатига асос солиши (1519-1520 йиллар).

Биз қуйида Мирзо Бобурнинг Фарғона давлати минтақавий ташқи сиёсати ва дипломатиясининг баъзи жиҳатлари хусусида фикр юритамиз. Бу даврдаги асосий муаммо ва йўналишлар бизнинг фикримизча, қуйидагилардан иборат бўлган:

Фарғона давлатининг ички тахт даъволари, ҳудуд ажратишга уринишлар билан боғлиқ муносабатлар, сулҳ, келишувлар ва уларнинг натижалари. Жаҳонгир Мирзо, амирлар ва Аҳмад Танбал ўртасидаги ўзаро муносабатлар;

Темурийларнинг олий ҳукмдори макоми - Самарқанд тахти учун кураш масалалари;

Мўғул хонлари билан сиёсий - дипломатик муносабатлар;

Мирзо Бобур Фарғона давлати ташқи сиёсат ва дипломатиясини дастлаб асосан муҳофаа, ички иттифоқ дипломатияси эди - деб таърифлаш мумкин. Ўша кезларда Мирзо Бобурнинг ташқи сиёсат ва дипломатияси дастлабки, илк қадамини ташлаган, сезиларли катта ютуққа эришган эди.

Мазкур илк дипломатик қадам, дастлабки ютуқнинг тарихий сиёсий қиймати шунда эдики, Бобур номига Арқда Хутба ўқилгач, барча атрофдаги қўшни ҳукмдорлардан унинг давлатини эътироф этиб, табриклар кела бошлаган ҳамда элчи айирбошлаш ва бошқа дипломатик алоқалар йўлга қўйила бошланган эди. Лекин Бобурни табриклаш баҳонасида унинг ёшлиги, тажрибасизлигига умид боғлаб, уни ўртадан кўтариш, давлатни ўз тасарруфига киритишдек дипломатик босим, тажовуз ва фитна Самарқанд ҳукмдори Султон Аҳмад Мирзо томонидан бошлаб юборилган эди.

Султон Аҳмад Мирзонинг Мирзо Бобур ва унинг давлатига дипломатик босими, тажовузи Бобурнинг иккинчи Бек Аткаси Ҳасан Яъқуб орқали бошланган эди. Самарқанд ҳукмдори юборган элчи Абдуқулдусбек Ҳасан Яъқубнинг қариндоши бўлиб, улар пинҳона тил бириктирадилар. Султон Аҳмад Мирзо Ҳасан Яъқуб ёрдамида 6 ойдан сўнг давлат тўнтариш қилиш фитнасини амалга ошириш,

14 февраль—улуғ аجدодимиз Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун

Мирзо Бобурнинг давлат бошқарувидаги ташқи сиёсати

Бобурнинг ўрнига укаси Жаҳонгир Мирзони тахтга ўтказишни режалаштирган эди.

Эсон давлат Бегим, Хожа Мавлоноий Қози, Қавчин Али Дўст Тағойи, Узун Ҳасан бошчилигидаги амирлар, давлатхоҳлар фитнани ўз вақтида фош этиш ва тугатиш билан чекланмай, ҳужум қилиб келаётган Султон Аҳмад Мирзо, Аҳсини қамал қилган Абу Бакр Дуғлот Қошғарий тажовузларини бартараф этган эдилар. “Худди мана шу аснода, —деб ёзган эди ўзининг яна бир илк ташқи сиёсат ва дипломатик қадамларини хотирлаб Мирзо Бобур,— Хожа қозини ва Узун Ҳасан Хожа Ҳусайнни элчиликка бу мазмун била йиборилдиким, бу вилоятга мулозимлардин бир кишини худ қўюлгусидур. Мен ҳам мулозим ва ҳам фарзанд, агар бу хизматни манга уҳда қилсалар яхшироқ ва осонроқ файсал топқусидур”.

Бобурнинг ана шу дипломатик қадами ва ҳарбий сиёсий вазиятнинг кейинги тубдан ўнгланиши, Т.Файзиев ёзганидек, Фарғона давлатини Бобурга Султон Аҳмад Мирзо томонидан оддий “зўраки инъом” қилиб ташлаб, кетишгагина эмас, балки 12 ёшли ҳукмдор Бобурнинг ёш давлати учун обрў келтирган, унинг Фарғона мулкига бўлган Самарқанд ва Фарғона давлатлари ўртасида катта сулҳ тузилишига ҳам олиб келган эди. “Бу жиҳатлардин зарурат бўлуб, Андижоннинг бир йиғочидин Дарвеш Муҳаммад Тархонни (яъни Султон Аҳмад Мирзо томонидан) йибордилар, ичкаридан (яъни Бобур томонидан Бек Атка) Ҳасан Яъқуб Намозгоҳ навоҳисида чиқиб, кўрушуб, сулҳгуна қилиб ёндилад (қайтдилар)”.

Умуман, Мирзо Бобурнинг “Бобурнома” да келтирилган барча энг муҳим сиёсий, давлат ва дипломатик воқеалар баёнидаги ифода усули, тилининг катта давлат арбоблари ва дипломатлар тилига хос ўта қисқа, лўнда ва сермазмун ва айни пайтда сиёсат ва давлат одамларига хос дипломатик сертакаллуф эканлигини алоҳида таъкидлаш, ҳисобга олиш зарур. Зеро, кўриш мумкинки, сулҳга келган томонлар, уларнинг қимлиги, нуфузи макomini, агар диққат билан эътибор бериб, қаралмаса, гап нима тўғрисида, яъни катта ёки кичик давлат ўртасидаги сулҳ музокаралари кетаётганлигини пайқамаслик, сезмаслик ҳам мумкин. Бунинг устига Бобур сулҳ тузиш тадбир тантаналарини оддийгина ўзбек дипломатик тафаккури ва тилига хос камтарона қилиб, бир оғиз сўз билан “Сулҳгуна қилиб ёндилад” деб ёзган.

Ана шу маънода Бобурнинг ҳар икки матнда қўллаган биз юқорида алоҳида таъкидлаб, таҳлил этган ибора, сўз тузилмалари ўзбек туркий дипломатияси ёзма тилининг нодир намунаси сифатида ҳозирги ўзбек дипломатлари ҳар томонлама чуқур ва кунт билан ўрганишлари, ибрат олишлари лозим бўлган бекиёс ёдгорлиги сифатида баҳоланишга, қадрланишга лойиқдир.

Баҳром ҒАФУРОВ,
ГулДУ катта ўқитувчиси

YANGI
SIRDARYO

Баш муҳаррир:

Баҳром
БОЙМУРОДОВ

Муассис: Сirdaryo вилояти
ҳокимлиги

2020-yil 25-iyunda Axborot va ommaviy kommunikatsiyalar agentligi Sirdaryo viloyati boshqarmasida 10-023 raqami bilan ro'yxatga olingan.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Qabulxona: (33) 355-07-45,
O'rinbosar: (94) 955-54-02,
Bo'limlar: (93) 271-51-58,
(99) 913-11-56, (99) 476-82-19,
reklama va e'lonlar:
(99) 646-07-45.

Tahririyatga kelgan qo'lyozmalar taqriz qilinmaydi va muallifga qaytarilmaydi. Chop etilgan maqolalardagi ma'lumotlar va raqamlar to'g'riligi uchun javobgarlik muallif zimmasida.

Gazeta “Yangi Sirdaryo” tahririyati kompyuter markazida terilib, sahifalandi. A-3 formatda, 8 sahifada 2 bosma taboq ofset usulida “SHARQ” NMAKda 4 000 nusxada chop etildi. Bosmaxona manzili: Toshkent sh., Mirobod tumani, Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy. Tel.: (71) 233 11 07. Buyurtma 7-248

Bizga yozing: 120100. Guliston shahri, Navoiy shohko'chasi, 30-uy. Telegram: @yangisirdaryogazetasi Facebook: Yangi Sirdaryo gazetasi Instagram: @yangisirdaryogazetasi Website: sirdaryo24.uz YouTube: Yangi Sirdaryo 24

NAVBATCHI:
X. PARDABOYEVA

Nashr ko'rsatkichi 459.
ISSN 2181-5984
Topshirish vaqti - 19.00
Topshirildi - 19.30
10.02.2025-yil

—Tijorat material
Sotuvda erkin narxda